

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАЛОНЧИЛИК
ЖИНОЯТЛАРИНИ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Кўчқаров Диёрбек Абдувосит ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг талончилик жиноятларини виктимологик профилактика қилишдаги вазифалари, ваколатлари ва фаолиятини тартибга солувчи ташкилий-ҳуқуқий асослар таҳлил қилинади. Амалдаги қонунчилик, профилактик чоралар тизими ва жабрланувчилик омилларини камайтириш механизмлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Талончилик, виктимологик профилактика, профилактика инспектори, ташкилий-ҳуқуқий асослар, жиноятчиликнинг олдини олиш, жабрланувчилик хавфи.

Аннотация: В данной статье анализируются задачи, полномочия и организационно-правовые основы, регулирующие деятельность инспектора по профилактике в виктимологической профилактике грабежей. Изучены действующее законодательство, система профилактических мер и механизмы снижения факторов риска.

Ключевые слова: Грабеж, виктимологическая профилактика, инспектор профилактики, организационно-правовые основы, предупреждение преступности, риск потерпевшего.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони қабул қилинган.

Фармонда қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш; [1]

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатнинг асосий мезонлари “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги [2] Қонун билан белгиланган. Мазкур Қонуннинг 43-моддасида виктимологик профилактиканинг ҳуқуқий таърифи аниқ ифодаланган:

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир.”

Ушбу меъёр давлат томонидан фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда жабрланувчилик хавфини камайтириш алоҳида ҳуқуқий категория сифатида эътироф этилганини кўрсатади. Яъни эндиликда профилактика фақат ҳуқуқбузарликни олдини олиш билан чекланмасдан, балки шахснинг “жабрланувчига айланиш иқтидори”ни ҳам ҳуқуқий таҳлилнинг марказига қўяди. Бу эса замонавий криминология ва виктимология фанларининг талаби бўлиб, профилактика инспекторининг амалиётдаги ролини янада кенгайтиради. Талончилик жиноятларининг виктимологик хусусиятини тўғри баҳолаш учун, аввало, ушбу жиноятнинг ҳуқуқий табиатига тўхталиш зарур. Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасида талончиликка қўйидагича таъриф берилган:

“Талончилик, яъни ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш...”

[3]

Бу таърифдан кўриниб турибдики, талончилик – очик тарзда содир этиладиган, кўп ҳолларда жамоат жойларида юз берувчи, жабрланувчининг воқеа пайтидаги ҳолати билан бевосита боғлиқ жиноят туридир. Шу сабабли талончиликнинг олдини олишда виктимологик омилларни инкор қилиб бўлмайди: жабрланувчининг хулқи, кундалик ҳаракатлари ва хавфни баҳолаш қобилияти жиноят содир бўлиш эҳтимолига жиддий таъсир кўрсатади.

Мазкур шароитда профилактика инспектори жиноятларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширувчи асосий амалиётчи шахс сифатида чиқади. Унинг фаолияти нафақат ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, балки муайян шахсларнинг талончиликка йўлиқиш хавфини камайтириш, хавф омилларини аниқлаш, фуқароларда хавфсизлик маданиятини шакллантириш, жиноят учун қулай шарт-шароитларни бартараф этиш каби вазифаларни ҳам қамраб олади.

Шу нуқтаи назардан, талончилик жиноятларини виктимологик профилактика қилиш фаолиятининг самарадорлиги унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари қай даражада изчил ва аниқ белгиланганига боғлиқ. Амалдаги қонунчиликда профилактика инспекторларининг ваколатлари, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби, аҳоли билан ишлаш механизмлари ҳамда хавф гуруҳларини аниқлаш мезонлари белгилаб берилган бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш тақдим этилаётган мавзу доирасида муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ушбу мақолада талончилик жиноятларини виктимологик профилактика қилишнинг ҳуқуқий асослари, профилактика инспекторининг ушбу йўналишдаги фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари ҳамда амалиётда учраётган айрим жиҳатларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Мавзунинг долзарблиги аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, профилактик ишлар самарадорлигини ошириш ва виктимологик ёндашувнинг амалиётдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш билан белгиланади.

БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 17-моддасида, ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга, ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган [4]. «Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат

қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради» [5].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қилиши, барча мулк шакллари, хусусан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган. Мулкни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш мақсадида ўзгалар мулкни талон-торож қилишга қаратилган қилмишлар учун Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисми Х бобида жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Нима сабабдан жиноят ҳуқуқида ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш мустақил жиноят сифатида белгиланган? деган саволга жавобни мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини таҳлил қилиш орқали топиш мумкин. Зеро, қилмишни криминализация қилиш тўғрисидаги масала юзасидан фикр билдирган олимларнинг кўпчилиги ҳар қандай жиноятнинг ажралмас белгиси сифатида унинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатадилар [6].

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг, ушбу қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатнинг ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигидан иборатдир» [7].

М.Х.Рустамбаев жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг кенг тарқалганлиги билан белгиланиши [8] тўғрисидаги фикрни илгари сурган. Айрим олимлар шахснинг ижтимоий хавфлилигини қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ тизимида киритишга қаршилиқ билдиради.

А.Д.Нечаевнинг фикрича, «биз шахс ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кўриб чиқишда уларни бир-биридан ажратган ҳолда ўрганишимиз керак, чунки жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги қилмиш содир этилишидан олдинроқ, бир қатор ҳолларда бевосита жиноят содир этиш вақтида шаклланади» [9].

Демак, ҳар қандай жиноят сингари мулкни очикдан-очик талон-торож қилишнинг ижтимоий хавфлилиги қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишда намоён бўлади. Талончилик натижасида ўзгалар мулкига тажовуз қилинади. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги [10] қонунида «Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир.

Хулоса қилиб айтганда, талончилик жиноятларининг виктимологик профилактикаси профилактика инспекторининг аҳоли билан мақсадли ишлаш, жабрланувчилик хавфини камайитириш ва фуқаролар хавфсизлигини

таъминлашга қаратилган фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил этади. Амалдаги қонунчиликда белгиланган ваколатлар, профилактик чора-тадбирлар ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизмлари ушбу жараёни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб беради. Тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослардан самарали фойдаланиш профилактика инспекторлари томонидан талончиликка мойил ҳудудларда хавф омилларини ўз вақтида аниқлаш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ва жиноят содир этилиши эҳтимолини камайтиришга хизмат қилади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси [Электронманба] / [URL:http://constitution.uz/uz/pages/humanrights](http://constitution.uz/uz/pages/humanrights).
5. Ш.М.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [Электрон манба] <https://president.uz/uz/lists/view/3119>.
6. Гонтарь И. Категория «Общественная опасность» в уголовном праве: онотологический аспект // Уголовное право. – М., 2007. – № 1. – С. 16–19; Епифанова Е.В. Общественная опасность как научная категория, законодательная дефиниция: история и современность: монография. – М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 61; Умнова Ю.В. Общественная опасность в процессе уголовного правотворчества и правоприменения //Актуальные проблемы российского права. – 2011. – № 2. – С. 34.
7. Абдусаломов М., Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. – Т., 1997. – С. 15–16; Гулямов З. Х. Преступления против правосудия. – Т., 1996. – С. 8–9; Зарипов З. С., Кабулов Р. Квалификация краж, грабежей, разбоев, совершённых путём проникновения в помещение или иное хранилище. – Т., 1991. – С. 4; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий амалий шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 26
8. М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. - Тошкент, 2006. –321 б.
9. А.Д.Нечаев Концептуальные основы и теоретическое моделирование криминализации и декриминализации: дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2017. 331 с.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони